

Ҳажнинг аҳкомлари



09:00 / 14.06.2024 2528

Ҳажда бажариладиган амаллар фарз, вожиб ва суннатга бўлинади. Фарз амаллар адо этилиши шарт (мажбурий) бўлган амаллар бўлиб, улардан бирортаси адо этилмай қолса, ҳаж адо бўлмайди, яна бошқатдан ҳаж қилиш керак бўлади.

Вожиб амаллар – қилиниши зарурий амаллар бўлиб, улардан бирортаси бажарилмай қолса, бундай ибодат нуқсонли ҳисобланади ва бу нуқсонни тўлдириш учун жонлиқ сўйиш вожиб бўлади.

Суннат амаллар – қилса савоб оладиган, қилмаса гуноҳ бўлмайдиган амаллар.

ҳажнинг фарзлари

Ҳаж ибодатининг фарзлари учта:

1. Эҳром.
2. Арафотда туриш.
3. Тавофул ифоза (ифоза тавофи) қилиш.

Фарз амаллардан биронтаси – ё эҳром, ё Арафотда туриш ва ё ифоза тавофи адо этилмай қолса, ҳаж ва умра бузилади. Бунга кўшимча, ифоза тавофидан аввал аёлига яқинлик қилиш ҳам ҳаж ва умрани бузади.

Ҳажнинг вожиблари

Ҳажнинг вожиблари қуйидагилардир:

1. Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъй қилиш.
2. Муздалифада туриш.
3. Тош отиш.
4. Сочни олдириш ёки қисқартириш.
5. Тавофул видо килиш.
6. Қурбонлик сўйиш (қирон ва таматтуъ ҳажини ният қилганларга).

Энди бу ҳукмларга бир оз кенгроқ тушунча берайлик.

1. Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъй қилиш. Ҳанафий мазҳаби бўйича, бу амал ҳажнинг вожиб амалларидан ҳисобланади. Бу ибодат тавофдан кейин бажарилади. Саъйда икки тепалик (тоғча) орасида етти марта бориб-келинади. Юришни Сафо тепалигидан бошлаш шарт. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда олдин Сафони зикр қилган бўлиб, ундан Марвагача бориш бир саъй саналади, қайтиш яна бир саъй. Шу тариқа еттинчи саъй Марвада тугайди. Икки тепаликнинг ўрталарида яшил чироқлар ўрнатилган иккита яшил устун бор, шуларнинг орасида тезлаб юриш керак.

2. Муздалифада туриш. Арафотдан қайтгандан кейин Муздалифада бир муддат туриш керак. Ҳанафий мазҳабига биноан, ўнинчи зулҳижжанинг тонги отгандан сўнг бир лаҳза бўлса-да, туриш керак.

3. Тош отиш. Ҳайитнинг биринчи куни тош Ақоба деб номланган жойда отилади. Отиладиган тошларнинг сони етти дона бўлади. Тош отадиган

вақт ҳайитнинг биринчи куни бомдоддан кейин киради, қуёш чиқиб, то завол вақти киргунча отса яхши бўлади. Қуёш ботгунча отса ҳам рухсат. Лекин кечаси отса макруҳ бўлади. Ҳайитнинг иккинчи куни уч жойда еттитадан тош отилади. Бу куни тош отиш вақти – заволдан то қуёш ботгунча. Учинчи куни ҳам худди шундай. Ҳожи тўртинчи кунга ҳам Минода қолса, у куни ҳам шундай қилади. Бугунги кунда Ҳаж мавсумига келадиган зиёратчиларнинг сони кескин ортгани сабабли ҳожиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва издиҳомларнинг олдини олиш мақсадида Саудия Арабистони ҳукумати томонидан тош отиш амали учун ҳар бир давлатга алоҳида вақтлар тайин этилган. Шунга кўра, ҳожиларнинг ушбу жадвалга амал қилишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4. Сочни олдириш ёки қисқартириш. Бу амал ҳайит куни тош отиб, қурбонлик сўйиб бўлингандан сўнггина бажарилади. Сочни тўла олиш қисқартиришдан афзал. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сочини олдирганларга раҳмат ва мағфират сўраб уч марта дуо қилганлар, қисқартирганларга бир марта. Сочни қисқартирганда у ер-бу еридан қирқиб қўйиш кифоя қилмайди, балки камида бошнинг тўртдан бир қисмидан бармоқнинг бир бўғими миқдорича калталатилади. Агар соч бармоқнинг бир бўғимидан қисқа бўлса, ҳаммасини олдириш вожиб бўлади.

5. Қирон ёки таматтуъ ҳаж қилганларнинг бир ҳаракат билан икки ибодатни адо этганлари шукронасига қурбонлик қилишлари вожибдир. Қурбонлик вақти ҳайит куни Ақобада тош отиб келингандан сўнг бошланади. Ўша куни ва кейинги икки кун шомга қадар қирон ва таматтуъ қурбонликларини сўйиш вақтидир. Макон жиҳатидан эса Минода бўлиши афзал. Ҳарамдан ташқарида қурбонлик қилиш мумкин эмас.

6. Тавофул видо. Бу тавоф «Тавофус-содр» ҳам деб аталади. Мазкур тавоф юртга қайтишдан олдин Каъбаи муаззама билан видолашиш учун қилинади. Ундан кейин ҳеч нарсага машғул бўлмай, тезда юртга жўнаб кетиш керак.

Яна бошқа вожиб амаллар ҳам бор. Лекин уларнинг ҳаммаси юқорида саналган асосий вожибларга боғлиқ бўлиб, уларнинг ичидаги амаллар ҳисобланади. Ибодат учун ниҳоятда зарур бўлганидан бу вожибларни ҳам алоҳида зикр қилишни лозим топдик:

1) мийқотдан эҳромга кириш;

- 2) тавофни таҳорат билан қилиш;
- 3) тавофда сатри авратда бўлиш;
- 4) тавофни ўнгдан бошлаш, яъни ўнг елкасини Тоифга, чап елкасини Байтуллоҳга қилиб туриб бошлаш;
- 5) Ҳатиймни қўшиб тавоф қилиш. Ҳатийм асл пойдевордан қолган жой бўлиб, Каъбатуллоҳнинг тарнови тарафидадир. Уни ҳозир бир миқдор кўтариб, девори устига чироқлар ўрнатиб қўйилган. Асл пойдевор ўша ердан бўлгани учун у ерни ҳам қўшиб тавоф қилинади,
- 6) тавофни юриб қилиш (узрлиларга ўтириб тавоф қилишга ҳам рухсат бор);
- 7) тавофни тугатгандан кейин икки ракат тавоф намози ўқиш;
- 8) қирон ва таматтуъ ҳажи қилганларга қурбонлик қилишдан олдин тош отиш вожиб;
- 9) шунингдек, уларга соч олдиришдан олдин қурбонлик қилиш ҳам вожиб;
- 10) саъйни Сафодан бошлаш;
- 11) Арафотда қуёш ботгунча туриш;
- 12) ҳар кунги тош отишни иккинчи кунга қолдирмаслик;
- 13) тавофни ҳажарул-асвад (қора тош)дан бошлаш;
- 14) ифоза тавофини уч кун ҳайит ичида қилиш;
- 15) соч олдиришни ёки қисқартиришни Ҳарам чегарасида ва уч кун ҳайит ичида адо этиш;
- 16) Арафа куни шом ва хуфтон намозларини хуфтон вақтида Муздалифада қўшиб ўқиш;
- 17) ушбу амаллардан бирортасини қилмаган одам вожибни тарк этган ҳисобланади ва унга бир жонлиқ сўйиш вожиб бўлади.

Ҳажнинг суннатлари

Ҳажнинг суннатлари қуйидагилардир:

- 1) Эҳромга кириш учун ғусл қилиш.
- 2) эҳромга кириш пайтида хушбўйлик суртиш;
- 3) лаббайка айтиш;
- 4) тавофул-қудум қилиш;
- 5) тавоф чоғида етти марта узлуксиз айланиш;
- 6) саъйнинг етти марта бориб-келишини кетма-кет қилиш;
- 7) саъйда таҳоратли бўлиш;
- 8) Арафа кечаси Минода ётиб қолиш;
- 9) биринчи тош отгандан кейин қурбонлик сўйиш;
- 10) тош отишни кечасига қолдирмаслик;
- 11) ташриқ кечалари Минода ётиш.

«Мўминнинг умр сафари» китобидан